

## КУН МАВЗУЛАРИ

# Ташиевга ҳукм ўқилди. Сиёсий тандем хотимаси?

48 дақиқа аввал



Қамчибек Ташиев Бишкек шаҳри Биринчи май туман судида, июн, 2026 йил

**Қирғизистонда жамоатчилик орасида “75чилар хати” деб ном олган иш бўйича ҳукм эълон қилинди.**

Суд 8 судланувчи, жумладан Миллий хавфсизлик давлат қўмитасининг собиқ раиси Қамчибек Ташиевнинг озодлигини 3 йилга чеклади. Судланувчилар айбловни рад этган.

Қирғизистонлик кузатувчилар буни - ҳукуматнинг кейинги сайловларгача Ташиев ва тарафдорларидан иборат мухолифлар ҳаракатини назоратга олиш уриниши, деб баҳоламоқда.

“75чиларнинг хати” иши бўйича ҳукм 2 июл куни кечқурун чиқарилди. Суд айбланувчиларни Жиноят кодексининг “Ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олиш” моддаси бўйича айбдор, деб топди.

Судланувчилар - Миллий хавфсизлик давлат қўмитасининг (УКМК) собиқ раиси Қамчибек Ташиев, Жоғорқу Кенешнинг собиқ спикери Нурланбек Турғунбек ўғли ва парламентнинг собиқ депутаты, собиқ бош прокурор Қурманқул Зулушевларга 4 йил қамоқ жазоси берилди.

Аммо, улар “Мансаб ваколатини суистеъмол қилиш” моддаси бўйича оқланди ва жазо уч йиллик пробаця билан алмаштирилди. Уларнинг мол-мулки мусодара қилинадиган бўлди.

Шунингдек, жамоат арбоби Бекболот Талғарбеков, Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Эмилбек Узақбаев, Жоғорқу Кенешнинг собиқ депутаты Қурманбек Дийқанбаев, собиқ бош вазир ўринбосари ва собиқ депутат Аали Карашев ҳамда ички ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Қурсан Асанов ҳам “Ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олиш” моддаси бўйича айбдор топилиб, 4 йиллик қамоққа ҳукм қилинди.

Суд уларни ҳам “Мансаб ваколатини суистеъмол қилиш” моддаси бўйича оқлади ва қамоқ жазосини 3 йиллик пробаця билан алмаштирди. Уларнинг ҳам мол-мулки мусодара қилинадган бўлди.

Бу 5 киши шу йилнинг 11 февралдан буён қамоқда сақланаётганди, суд залидан озодликка чиқарилди.



#### МАВЗУГА АЛОҚАДОР

Ташиевнинг лавозимдан бўшатилиши.  
Ўзбекистондаги муҳокамалар

Қамчибек Ташиевнинг адвокати Икрамидин Айтқулов ҳукмдан норози эканини билдириб, юқори инстанцияга шикоят қилишини айтди:

*“Бу қарордан норозимиз. Апелляция шикоятини киритамиз”.*

Суд залидан озодликка чиқарилган Жоғорку Кенешнинг собиқ депутати Қурманбек Дийқанбаев ҳам ўзига қўйилган айбловларни рад этди:

*“Ҳокимиятни эгаллаб олишга уриниш бўлган эмас. Ҳозир мен 66 ёшдаман. Шу йиллар давомида давлатни қуриб келганмиз. Бундан кейин ҳам давлатга хизмат қиламиз. Ҳокимиятни қўллаб-қувватлаб келганмиз”.*

Судланган Курсан Асанов ҳам ҳукм устидан шикоят қилишини айтди:

*“Юридик нуқтаи назардан, менинг ҳаракатларимда ҳеч қандай жиноий таркиб йўқ. Шунинг учун ҳам суд очиқ ўтказилишини талаб қилганман. Бу қарор мен учун кутилмаган бўлди. Тергов бошидан охиригача, ҳатто тергов якунланган пайтда ҳам, саккиз фигурант орасида айблов хулосасига имзо қўймаган ягона одам мен бўлганман. Мен имзони фақат яхши ният билан, амалдаги ҳокимиятни, Садир Нургожоевични қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйганман”.*

Ярим йил аввал Қирғизистонда Қамчибек Ташиев бошчилигидаги бу 8 етакчи шахс устидан суд ҳукми чиқишини тасаввур қилиш қийин эди.

Қамчибек Ташиев президент Садир Жапаров билан ҳокимиятдаги тандемнинг бир қисмига айланган ва амалда мамлакатдаги иккинчи шахс сифатида кўрилар эди.



#### МАВЗУГА АЛОҚАДОР

«Тандемнинг ўз муддати бор». Садир Жапаровнинг Қамчибек Ташиевни истеъфога чиқариш ҳақидаги қарори ортида нима турибди?

Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси раиси ва ҳукумат раҳбарининг ўринбосари сифатида у нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирган, балки мамлакатдаги деярли барча соҳалар бўйича қарор қабул қилиш жараёнида муҳим рол ўйнаган.

Бу судлов шу йил 9 февралда аввал катта лавозимларда ишлаган ва сиёсий фаол 75 кишининг мамлакатда муддатидан олдин президент сайлови ўтказишга чақириғи ортидан қўлга олинган собиқ мулозимлар устидан бўлди.

“75чилар хати” ортидан Президент Садир Жапаров 10 феврал куни Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси раиси бўлган Қамчибек Ташиевни лавозимидан бўшатган.

Ўтган ҳафтадан бери суд ёпиқ ўтказилаётгани сабабли, сўнгги мажлисларга журналистлар киритилмади. Аммо, ҳукм ўқиладиган кезде уларга суд залига киришга рухсат берилди.

Суд иштирокчиларга кўра, иш доирасида 20 га яқин гувоҳ сўроқ қилинган, шунингдек, махфий деб саналган 3 шахснинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилган. Ҳимоя томони ва айбланувчилар 75 киши имзолаган бу мактубда жиноят таркиби йўқ, деган позицияни билдириб келмоқда.

Жумладан, Нурланбек Турғунбек ўғли журналистлар саволларига жавоб бериб, ўзига қўйилган айбловларни рад этган:

*“Мен ҳокимиятда туриб, уни босиб олишга ҳаракат қиламанми? Ўз ҳокимиятимни ўзим эгаллайманми? Бу мутлақо мантиқсиз гап”.*

Бу иш жорий йил феврал ойида 75 нафар собиқ амалдор, сиёсатчи ва жамоат арбобларининг президент ва парламент раҳбариятига йўллаган мурожаатидан кейин бошланган.

Улар тез орада - яъни, муддатидан аввал президентлик сайловини ўтказишга чақирган эди.

Бу мурожаатдан кейин мамлакатдаги сиёсий жараёнлар ўзгариб кетди ва узоқ вақт ёнма-ён ҳаракат қилган президент Садир Жапаров ҳамда Қамчибек Ташиев ўртасидаги беш йиллик сиёсий тандемнинг бузилишига олиб келди.

Терговчилар бу мурожаат қонунга зид равишда тайёрланган, деб баҳолаб, жиноят иши қўзғатган.

Иш доирасида бир қатор собиқ амалдорлар — Бекболот Талғарбеков, Эмилбек Узақбаев, Қурманбек Дийқанбаев, Қурсан Асанов каби собиқ мулозимлар — “мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш” моддаси билан айбланиб, қамоққа олинган.

Қамчибек Ташиев, Нурланбек Турғунбек ўғли ва Курманқул Зулушевлар эса тилхат асосида озодликда туриб судланди.

Ҳозирда аксар судланувчиларнинг адвокатлари апелляция тартибида ҳукм устидан шикоят қилишини айтмоқда.

Қирғизистон жамоатчилиги эса мамлакат сиёсий ҳаётида жиддий воқеа бўлган бу судлов ҳамда унинг ортидаги сиёсий кураш 2 июл кунги ҳукм билан тўхтамаслигини тахмин қилмоқда.



[↓ Бевосита линк ↓](#)